

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил февраль ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Янгиариқ туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг раиси Х.Авезовнинг раислигида, халқ маслаҳатчилари Х.Болтаева ва Д.Абдирахмоновалардан иборат таркибда, Ғ.Аллабергановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Янгиариқ туман прокурорининг катта ёрдамчиси С.Матякубов, судланувчи В.К ва унинг ҳимоячи адвокати А.Матризаевларнинг иштирокида, В.Кга нисбатан бўлган 1-2202-2501/197-сонли жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан айбланган.

Суд ҳайъати, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

2025 йил 8 ноябрь куни соат 18:30ларда, Хоразм вилояти ИИБ ТҚХ ЖКБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор-қидирув тадбири давомида, Урганч тумани, “Қ” маҳалласи ҳудудида тўхтаб турган, В.Книнг бошқарувида бўлган “Нексия-3” русумли давлат рақамли автомашина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан шубҳа остига олинганлиги сабабли В.Кни ёнлари ва автомашинаси кўздан кечирилганида, унинг эгнига кийиб юрган спорт шимининг чап томон чўнтагида бир дона “Спички” ёзувли гугурт қутиси ичида етти бўлак фолга қоғозига ўралган ҳамда автомашинаси саломида бир бўлак фолга қоғозига ўралган, жами саккиз бўлак фолга қоғозларига ўралган ҳолда қадокланган жами соф оғирлиги 5.8 грамм кўп миқдордаги “Опий” гиёҳвандлик воситасини келгусида қонунга ҳилоф равишда ўтказиш мақсадида саклаб қўйганлиги аниқланган.

Суд-кимё экспертизасининг 2025 йил 10 ноябрдаги 1404-сонли ҳулосасига кўра, В.Кдан олинган жами 8 бўлак, ҳар бири шаффоф рангли целлофан парчасига ўралиб, устидан фолга қоғоз бўлагига ўралган ҳолдаги жигар рангли, ўткир ҳидли, юмшоқ, ёпишқоқ ҳолдаги моддалар таркибида опий гуруҳига мансуб бўлган гиёҳванд алкалоидлар-морфин, кодеин, тебаин мавжуд бўлиб, бу модда “Опий” дейилиши, ушбу саккиз бўлак “Опий”ларнинг жами соф оғирлиги 5,8 (беш бутун ўндан саккиз) граммга тенглиги кўрсатилган.

Судланувчи В.К судда айбига қисман иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам у вақтинча ишсиз бўлганлиги сабабли йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланиб келаётгани, у йўловчи ташишни ўзига тегишли бўлган “Нексия-3” русумли 90 К 487 АВ давлат рақамли автомашинасида қилишини, ўзи бир неча йилдан буён қандли диабет касаллигига чалингани сабабли, ҳар замонда гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилиб туришини, яъни “Опий” гиёҳвандлик воситасини чойга эзиб истеъмол қилиб келишини, у истеъмол қилиб



келаётган “Опий” гиёҳвандлик воситасини бундан 5 йил олдин йўлдан топиб олгани, шундан кейин у ушбу “Опий” гиёҳвандлик воситасини уйида яшириб қўйиб, керак вақтида яшириб қўйган жойидан ҳеч кимга билдирмасдан олиб, истеъмол қилиб келганини, 2025 йил 8 ноябрь куни соат 18:00ларда, у машинасини техник жиҳатдан соз ёки носоз эканлигини текширтириш мақсадида устахонага борадиган бўлгани, шу орада унинг уйига неваралари келиб қолгани, шунда у уйида яшириб қўйган “Опий” гиёҳвандлик воситасини неваралари топиб олиб, ўйнашидан гумон қилиб, яшириб қўйган жойидан бир дона гугурт қутисига солинган “Опий” гиёҳвандлик воситасини олиб, чўнтагига солгани, шундан кейин эса устахонага бориш учун уйдан кўчага чиққанини, шундан кейин у ўзига тегишли бўлган “Нексия-3” русумли давлат рақамли автомашинада Урганч тумани, “Кумровот” маҳалласида жойлашган автомашиналар тузатиш устахонасига борганини, шунда у устахонада бошқа машиналар борлигини кўриб, ушбу устахона олдида ўтиргани, шунда у навбати келгунича гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилиб олишини ўйлаб, уйдан олиб чиққан ва чўнтагида турган гугурт қутиси ичидаги фолга қоғозларига ўралган “Опий” гиёҳвандлик воситасидан бир бўлагини олиб, истеъмол қилишга тайёрламоқчи бўлиб турган вақтида, уни олдида фуқаролик кийимида бўлган бир неча шахслар келиб, унга ўзларини ИИБ ходимлари эканлигини айтишиб, ўзларини таништиришган вақтида, у қўлида ушлаб турган, яъни ўзи истеъмол қилмоқчи бўлган бир бўлак фолга қоғозига ўралган “Опий” гиёҳвандлик воситаси қўлидан машинаси ичига тушиб кетганини, шунда орган ходимлари унга тезкор тадбир ўтказилаётганлигини тушунтиришиб, холислар иштирокида, уни ёнлари ва автомашинасини кўздан кечиришгани, шунда орган ходимлари унинг ёнидан бир дона гугурт қутисига солинган, ичида 7 бўлак фолга қоғоз бўлакларига ўралган “Опий” гиёҳвандлик воситаси ҳамда машинаси ичидан ўзи истеъмол қилмоқчи бўлган ва орган ходимларини кўрган вақтида қўлидан тушиб кетган бир бўлак фолга қоғозига ўралган “Опий” гиёҳвандлик воситасини топиб олишганини, шундан кейин орган ходимлари ундан ёнидан ва машинасидан аниқлаб олинган “Опий” гиёҳвандлик воситалари кимга тегишли экани ва нима мақсадда ёнида сақлаб юрганлигини сўрашганини, шунда у орган ходимларига ёнидан ва машинасидан аниқланган “Опий” гиёҳвандлик воситаларини ўзи истеъмол қилиши учун ёнида сақлаб юрганлигини айтганини, шундан кейин орган ходимлари уни ўзлари билан ИИБ биносига олиб боришгани ва ҳолатни расмийлаштиришганини, ўзи шу пайтгача ҳеч кимга гиёҳвандлик воситаси сотмаганини, ёнидан ва машинасидан аниқлаб олинган жами 8 бўлак “Опий” гиёҳвандлик воситаларини келгусида ўзи истеъмол қилиши учун ёнида сақлаб юрганлигини, ушбу гиёҳванд моддаларни сотиш мақсади бўлмаганини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий аҳволини инобатга олиб, уни кечиришни ва енгиллик қилишни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи В.К судда айбига қисман иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби:

Судда сўралган гувоҳ И.Сотимовнинг, ҳақиқатдан ҳам у 2025 йил 8 ноябрь куни соат 18:00ларда, Урганч шаҳрида юрган вақтида, уни олдида



ИИБ ходимлари келиб, ундан бир ишда холис сифатида иштирок этишини сўрашгани, шунда у рози бўлгани, шундан кейин орган ходимлари у ерга яна бир холис таклиф қилишгани, шундан кейин орган ходимлари уларнинг холислигида, Урганч тумани ҳудудидан ўтган “Урганч-Шовот” автомобиль йўли бўйида турган “Нексия-3” русумли автомашинаси олдида боришгани ва ушбу автомашинада ўтирган йигитга ўзларини таништиришиб, ундан ўзини таништиришини сўрашгани, шунда ушбу йигит ўзини К.В деб таништирганини, шунда орган ходимлари В.Кга тезкор тадбир ўтказишаётганлигини тушунтиришиб, ундан ёнида тақиқланган нарсалар бор ёки йўқлигини сўрашганини, шунда В.К орган ходимларига чўнтагида гиёҳвандлик воситаси борлигини айтганини, шундан кейин орган ходимлари уларнинг холислигида В.Книнг ёни ва машинасини кўздан кечиришгани, шунда унинг ёнидан бир дона гугурт қутисига солинган ичида етти бўлак фолга қоғозига ўралган ҳамда машинаси салони ичидан бир бўлак фолга қоғоз бўлагига ўралган ўткир ҳидли модда борлигини аниқлашганини, шундан кейин эса орган ходимлари ҳолатни уларнинг холислигида расмийлаштиришганлигини баён қилиб берган кўрсатуви билан;

Гувоҳ Ш.Ннинг суддаги гувоҳ И.С билан бир хил ўхшаш мазмунда берган кўрсатуви билан;

Кўшимча гувоҳ А.Снинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам у ҳозирги кунда Хоразм вилояти ИИБ ТҚХ ЖҚБ катта тезкор вакили бўлиб ишлаб келаётгани, Урганч шаҳар, “И” маҳалласи, “О” кўчаси, 27Б-уйда яшовчи В.К исмли шахсни ёнида гиёҳвандлик воситалари сақлаб юриши тўғрисида олинган тезкор маълумотларга асосан улар 2025 йил 8 ноябрь куни тезкор эксперимент тадбирини ўтказишни режалаштиришгани, шундан кейин улар шу куни соат 18:30ларда, Урганч тумани, “Қумровот” маҳалласи ҳудудида тўхтаб турган, В.Книнг бошқарувида бўлган “Нексия-3” русумли автомашинаси олдида холислар иштирокида боришиб, унга ўзларини таништиришиб, ундан ўзини таништиришни сўрашгани, шунда В.К уларга ўзини таништирганини, шунда улар В.Кга тезкор тадбир ўтказишаётганини тушунтиришиб, ундан ёнида тақиқланган нарсалар бор ёки йўқлигини сўрашганини, шунда В.К уларга ёнида тақиқланган нарсалар йўқлигини айтганини, шундан кейин улар холислар иштирокида В.Кни ёнлари ва машинасини кўздан кечиришганини, шунда унинг эгнига кийиб юрган спорт шимининг чап томон чўнтагида бир дона “Спички” ёзувли гугурт қутиси ичида етти бўлак фолга қоғозига ўралган ҳамда автомашинаси салонида бир бўлак фолга қоғозига ўралган, жами саккиз бўлак фолга қоғозларига ўралган ҳолда қадоқланган “Опий” гиёҳвандлик воситаси борлигини аниқлашгани ҳамда ҳолатни холислар иштирокида расмийлаштиришганини, ўзида олдиндан В.Кни гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилиши ҳамда ёнида гиёҳвандлик воситаси сақлаб юриши тўғрисида маълумотлар мавжудлигини, бироқ, шахсан ўзида В.Кни гиёҳвандлик воситаси сотиш билан шуғулланиб юрганлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқлигини баён қилиб берган кўрсатуви билан;

Шунингдек, жиноят ишида мавжуд бўлган ва суд мажлисида ўқиб эшиттирилиб муҳокама қилинган;



- ишнинг, 6-варағидаги, фуқаро В.Книнг ёни ва автомашинасини кўздан кечириш ҳамда далилий ашёни олиш баённомаси;

- ишнинг, 18-23-варақларидаги, Хоразм вилояти ИИБ ЭКБ суд-кимё экспертизасининг 2025 йил 10 ноябрдаги 1404-сонли хулосаси ва унга илова қилинган фотосуратлар;

- ишнинг, 80-83-варақларидаги, В.Книнг ёнларини кўздан кечириш видеотасвири туширилган дискни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар;

- ишнинг, 84-варағидаги, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва уни жиноят ишига қўшиб қўйиш қарори ҳамда жиноят ишидаги бошқа бир қатор объектив далиллар йиғиндиси билан исботланади.

Суд ҳайъати, судланувчи В.Книнг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи В.Книнг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарорининг 21-бандида “ЖК 273-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, уларни турлича усулда ҳақ эвазига ёки текинга (сотиш, ҳадя этиш, алмаштириш, қарзи эвазига ёки қарз сифатида ва ҳ.к.) бошқа шахсга бериш тушунилиши лозимлиги;

Шахсининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш учун ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан жавобгарлик уларнинг миқдори билан боғлиқ ҳолда келиб чиқиши;

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавфли кўриниши ҳисобланиши туфайли, мазкур қилмиш ЖК 273-моддасининг бешинчи қисми билан квалификация қилиниши лозимлиги, мазкур восита ёки моддаларни кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш ЖК 273-моддасининг бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлиши қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмида, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда сотганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, жиноят иши материалидаги ҳужжатларда В.Кни вазни 5,8 грамм кўп миқдордаги “Опий” гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсади бўлганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас, судда ҳам шундай далиллар аниқланмади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида, айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида ҳам ушбу қоида мустаҳкамланган.



Суд хайъати, судланувчи В.Книнг суддаги, ёни ва автомашинасидан расмийлаштириб олинган гиёҳвандлик воситасини ўзи истеъмол қилиш мақсадида сақлаганлиги ҳақидаги вазлари билан келишиб бўлмади деб ҳисоблайди ва унинг ушбу вазларини судни чалғитиш, жиноятини енгиллаштириш, жазодан қутулиш учун қилаётган ҳаракатлари деб танқидий баҳолашни ва рад қилишни лозим топади.

Гарчи, суд кимёвий экспертиза хулосасида В.Книнг сийдигидан гиёҳванд моддалар туркумига кирувчи опиат қолдиқлари топилгани, амбулатор наркологик суд тиббий текшируви далолатномасида “Опий” гиёҳвандлик воситасини чойга эзиб ичиш йўли орқали истеъмол қилиши қайд қилинган бўлса-да, ишда тўпланган ҳужжатлар ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, 2025 йил 26 ноябрдаги № 542-сонли амбулатор суд-наркологик экспертизаси комиссияси тиббий текшируви далолатномасида В.Кни мажбурий тартибда даволанишга муҳтож эмаслиги қайд этилганлигини, шунингдек унинг ёни ва машинасидан топилган жами 8 бўлак, вазни 5,8 грамм кўп миқдордаги “Опий” гиёҳвандлик воситаси фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдор ҳисобланишини ва “Опий” гиёҳвандлик воситаси муайян ўлчам (0.73, 0.71, 0.72, 0.74, 0.7, 0.74, 0.73 ва 0.73 грамм)да алоҳида ҳолда қадоқланганлиги В.К келгусида ушбу гиёҳвандлик воситаларини бошқа шахсларга ўтказиш мақсади борлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарорининг 25-бандида, айбдорда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозим. Бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар кириши, иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 25-моддасининг биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши кераклиги қайд қилинган.

Шу боис суд хайъати, судланувчи В.Книнг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмидан ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир



чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши, 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одиллона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд ҳайъати, судланувчи В.Кга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қароридаги раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, унинг айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий ва моддий аҳволини, оиласида яқка боқувчи бўлиб, қарамоғида турмуш ўртоғи, уч нафар фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганлигини, Урганч шаҳар, 38-сон маҳалла фуқаролар йиғини томонидан енгиллик қилишни сўраб илтимоснома киритилганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолашни, шунингдек содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, гиёҳвандлик воситасининг тури ва миқдорини, судланувчининг шахсини ҳамда ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони ЖКнинг 50-моддаси 7-қисми “б” банди талабига асосан умумий тартибли колонияларда ўташни ва унга нисбатан белгиланган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Шунингдек, суд ҳайъати, жиноят иши бўйича олинган ашёвий далилларнинг кейинги тақдирини муҳокама қилиб:

- ашёвий далил деб эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ Хоразм вилоят бошқармасига 25.11.2025 йилда 000205-сонли далолатнома билан топширилиб сақланаётган, экспертиза тадқиқоти жараёнида сарфланганидан қолган жами вазни 5,56 граммга тенг бўлган “Опий” гиёҳвандлик воситасини тегишли тартибда йўқ қилишни белгилашни;

- ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона “DVD+R” дискини жиноят ишига қўшиб сақлашни белгилашни;



- ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, Урганч тумани ИИБ биносида сақланаётган “Нексия-3” русумли давлат рақамли автомашинасини судланувчи В.Книнг турмуш ўртоғи Сга тегишли тартибда қайтариб беришни белгилашни лозим топади.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 203¹-моддасида, ашёвий далил деб эътироф этилган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки содир этиш учун махсус мўлжалланган, тайёрланган ёки мослаштирилган нарсалар, шунингдек жинойий мақсадларга эришиш учун жиноят содир этиш жараёнида бевосита фойдаланилган мол-мулк жиноят қуроли деб топилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 10-бандида, “Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, баъзи ҳолларда айрим қилмишлар, масалан, контрабанда, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда ташиш, одам ўғирлаш ва ҳ.к. учун жинойий жавобгарликка тортилган шахслар жиноят содир этишда фойдаланган автомашиналар, мотоцикллар ва бошқа транспорт воситалари (контейнерлар) жиноят қуроли деб эътироф этилиши мумкин. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, ушбу транспорт воситаларини жиноят қуроли деб эътироф этиш учун транспорт воситасидан, фақат улов сифатида эмас (масалан, айбдор томонидан қонунга ҳилоф равишда балиқчилик жинояти қармоқлар ва тўрлардан фойдаланилган ҳолда содир этилган бўлиб, автомобилдан фақат улов сифатида фойдаланилган бўлса), балки, қасддан жиноят содир этишда айнан қурол сифатида фойдаланилганлиги сўзсиз аниқланган бўлиши зарур (масалан, талон-торож жиноятини содир этишда ўғирланган катта ҳажмдаги товарлар автомобилда олиб чиқиб кетилган, товар ёки бошқа қимматликлар божхона назоратини четлаб ёхуд божхона назоратидан яшириб олиб ўтилган бўлса).” - деб раҳбарий тушунтириш берилган.

Ишда тўпланган ҳужжатлар ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, 2025 йил 8 ноябрь куни соат 18:30ларда, ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор-қидирув тадбири давомида, Урганч тумани, “Қумровот” маҳалласи ҳудудида тўхтаб турган, В.Книнг бошқарувида бўлган “Нексия-3” русумли давлат рақамли автомашина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан шубҳа остига олинганлиги сабабли В.Кни ёнлари ва автомашинаси кўздан кечирилганида, унинг эгнига кийиб юрган спорт шимининг чап томон чўнтагида бир дона “Спички” ёзувли гугурт қутиси ичида етти бўлак фолга қоғозига ўралган ҳамда автомашинаси саломида бир бўлак фолга қоғозига ўралган, жами саккиз бўлак фолга қоғозларига ўралган ҳолда қадокланган жами вазни 5.8 грамм кўп миқдордаги “Опий” гиёҳвандлик воситасини келгусида қонунга ҳилоф равишда ўтказиш мақсадида сақлаб қўйганлиги аниқланган.

Бироқ, ишда тўпланган ҳужжатларда, В.Кни “Нексия-3” русумли давлат рақам белгилари автомашинасидан жинойий мақсадларга эришиш учун жиноят



содир этиш жараёнида бевосита фойдаланганлигини тасдиқловчи бирор-бир мақбул далиллар мавжуд эмас.

Бундай далилларни суд терговида ҳам аниқлаш имкони бўлмади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбулликка оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сон қарорининг 13-банди, 2-қисмида, агар қўшимча далиллар тўплаш имконияти бўлмаса, суд процессуал қонун талабларига риоя этилган ҳолда тўпланган далиллар мажмуига асосланиб иш бўйича қатъий қарор қабул қилиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Бундай ҳолатда, судланувчи В.К ёнидан аниқлаб олинган 7 бўлак ва машинаси салонидан аниқлаб олинган 1 бўлак, жами 8 бўлак вазни 5,8 грамм “Опий” гиёҳвандлик воситаларини ўзининг бошқарувида бўлган ҳамда 19.05.2025 йилдаги кредит шартномасига асосан “Капитал банк” Урганч смартбанк ягона филиалида гаровда турган “Нексия-3” русумли давлат рақам белгили автомашинасидан фойдаланган ҳолда қонунга ҳилоф равишда ташиган деб баҳолаб бўлмайди.

Юқоридаги қонун талабларидан келиб чиқиб, суд ҳайъати, дастлабки тергов органи томонидан ашёвий далил деб эътироф этилиб, Урганч тумани ИИБ биносига сақланаётган “Нексия-3” русумли давлат рақам белгили автомашинани судланувчи В.Книнг турмуш ўртоғи З.Сга тегишли тартибда қайтариб беришни белгилашни ҳамда мазкур автомашина “Капитал банк” Урганч смартбанк ягона филиалида гаровда турганлигини инобатга олишни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471 ва 473-моддаларини қўллаб, суд ҳайъати

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи В.К Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи В.Кга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 14 ноябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи В.Кга нисбатан белгиланган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, ашёвий далил деб эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ Хоразм вилоят бошқармасига 25.11.2025 йилда 000205-сонли далолатнома билан топширилиб сақланаётган, экспертиза тадқиқоти жараёнида сарфланганидан қолган жами вазни 5,56 (беш бутун юздан эллик олти) граммга тенг бўлган “Опий” гиёҳвандлик воситаси тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган 1 (бир) дона “DVD+R” диски жиноят ишига қўшиб сақлансин.



Ҳукм қонуний кучга киргач, ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, Урганч тумани ИИБ биносида сақланаётган “Нексия-3” русумли давлат рақам белгили автомашинаси судланувчи В.Книнг турмуш ўртоғи Сга тегишли тартибда қайтариб берилсин ҳамда мазкур автомашина “Капитал банк” Урганч смартбанк ягона филиалида гаровда турганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, ўн сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида ушбу суд орқали Хоразм вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса Хоразм вилоят судига кассация тартибда шикоят бериш ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

Х.Авезов

Халқ маслаҳатчилари:

Х.Болтаева

Д.Абдирахмонова

